



INCREASING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF HOTELS

Farrukh Abdusamadov

Independent Researcher

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: tourism, hotel, restaurant, service, economy, efficiency, income, growth.

Received: 30.05.25

Accepted: 01.06.25

Published: 03.06.25

Abstract: The article analyzes the trends in the increasing role and relevance of the tourism sector, particularly hotel services, in economic efficiency during the years of independence in Uzbekistan.

МЕҲМОНХОНАЛАР ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ОШИБ БОРИШИ

Фаррух Абдусаматов

Ўзбекистон миллий университети мустақил тадқиқотчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: туризм, меҳмонхона, ресторан, хизмат кўрсатиш, иқтисодиёт, самарадорлик, даромад, ўсиш.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда мустақиллик йилларида туризм соҳаси хусусан меҳмонхона хизматининг иқтисодий самарадорликда тутган ўрни ва долзарблигининг ошиб бориши жараёнлари тенденциялари таҳлил қилинади.

ПОВЫШЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСТИНИЦ

Фаррух Абдусаматов

Независимый исследователь

Национального университета Узбекистана

Тошкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: туризм, гостиница, ресторан, обслуживание, экономика, эффективность, доход, рост.

Аннотация: В статье анализируются тенденции процесса повышения роли и актуальности туристической сферы, в частности гостиничного сервиса, в экономической эффективности в годы независимости Узбекистана.

Туризм иқтисодийнинг даромадли соҳаларидан биридир. Халқаро туризм ва ички туризм биргаликда мамлакат иқтисоди, яшаш шароити ва бошқа иқтисодий кўрсаткичларига таъсир кўрсатади. Халқаро туризмнинг ривожланиши билан айрим мамлакатларда кўплаб аҳоли иш билан таъминланади. Меҳмонхоналар, ресторанлар, дўконлар, музейлар, маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ва бошқа ташкилотларда ишлаш, яъни хизмат кўрсатиш учун малакали, тил биладиган ишчилардан ташқари оддий хизматчилар ҳам керак бўлади. Баъзи мамлакатлар учун туризм катта бизнеснинг тез ривожланаётган соҳасига айланган. Масалан, товар ва хизматлар экспортидан келадиган даромадларда туризмнинг ҳиссаси Испанияда 60 фоизни, Австрияда – 40, Швейцарияда 80 фоизни ташкил этади. Чет эл туризми “кўринмас экспорт” деб ҳам аталади. Чунки мамлакатга ташриф буюрадиган сайёҳлар шу мамлакат моддий ва маданий бойликларини харид қиладилар. Бу мамлакатнинг хизмат воситаларидан фойдаланадилар. Бу эса валюта тушумини таъминлайди [1].

Бугунги кунда туризм дунё иқтисодийнинг энг жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. 2000 йилдан буён ушбу соҳа жаҳон миқёсида товар ва хизматлар экспорти бўйича автомобиль, кимё, озиқ-овқат ва электроника саноатини ортда қолдириб, биринчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ҳозир Ер юзиде 195 миллион киши ёки иш билан банд бўлган аҳолининг 8 фоизи айнан туризм саноатида меҳнат қиляпти. Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига кўра, йилдан-йилга сайёҳлар оқими ўртача 4-5 фоизга юксалиб бормоқда. Масалан, 2012 йилда илк бор уларнинг сони бир миллиард кишидан ошди [2]. Мазкур соҳа дунё мамлакатлари ва халқларининг маданият борасидаги амалий мулоқотида ўзига хос кўприк вазифасини ўтамоқда. Айни пайтда дунёда 235 миллиондан ортиқ киши ушбу соҳада меҳнат қиляпти. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда сайёҳлар оқими ҳар йили 4-5 фоиз кўпаймоқда. Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга [3].

Бунинг учун туристик корхоналарга иқтисодий мустақиллик бериш ва улар ўртасида рақобат ўрнатиш зарур. Бундан ташқари, туризмни ривожлантиришда чет эл капиталидан фойдаланиш даркор. Туристтик соҳа билан шуғулланувчи жисмоний шахс ва корхоналарга берилаётган имтиёзларни кенгайтириш лозим. 2000 йилда мамлакатимизда 600 мингдан

ортиқ чет эл туристлари меҳмон бўлдилар. Уларнинг ҳар бири бир минг АҚШ долларидан ортиқ валюта сарф қилди. Мана – туризмнинг иқтисодий самарадорлиги. Ўзбекистон туризмга мос келувчи ресурслари билан дунёга машҳур. Тарихдан маълумки, мамлакатимиз ҳудудидан қадимги “Буюк Ипак йўли” ўтган бўлиб, бу ерда халқаро муносабатлар фаоллашган, ўзаро маданий алоқалар ўрнатилган, чунки об-ҳаво шароитлари йил давомида меҳмонларни қабул қилишга мос келган. Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликлари ҳам чет эллик туристларнинг диққат-эътиборини ўзига тортмай қолмайди [1].

Туризм иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожлана бошлади. 1950 йилда 25 миллион киши халқаро саёҳатга чиққан бўлса, 1960 йилда бу рақам 69 миллион кишига кўпайган. Бу кўрсаткич 1970 йилда 165 миллионга етган бўлса, 1980 йилга келиб 284 миллион нафардан ортиб кетди. 1990 йилда 455 миллион киши, 1995 йилда эса 561 миллион киши чет элларга саёҳат қилган. Шулардан 333 миллион киши Европага, 110 миллион киши Америкага, 18 миллион киши Африкага ташриф буюрган бўлса, қолган 100 миллионга яқин киши Осиёда саёҳатда бўлган. 2000 йилга келиб 600 миллиондан ортиқ киши халқаро туристик саёҳатларга чиққан. Улардан ташқари ҳар бир мамлакат ичида амалга ошириладиган ички туризм ҳам мавжуд. Ички туризм бутун туристик фаолиятнинг 60-80 фоизини ташкил этади. Демак, жаҳон бўйлаб ҳар йили деярли 2 миллиарддан ортиқ киши туристик саёҳатларга чиқади [1].

Республикамызда ҳам ички, ҳам ташқи туристлар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Чунончи, 2006 йилда туризм соҳаси хизматидан турли мақсадларда фойдаланган хорижий фуқароларнинг сони 559,5 минг кишини ташкил қилган, 2007 йилда эса бу кўрсаткич 903,1 минг кишига етган. “Ўзбектуризм” миллий компаниясига тегишли туристик ташкилотларнинг йиллик даромади 2005 йилда 40 млрд. сўмни, 2006 йилда 46 млрд. сўмни ташкил этган [4, 145].

2007 йилда туристик хизматлар ҳажми 23,4 млрд. сўмни, меҳмонхона хизматлари ҳажми 45,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда бу хизматлар турларидан олинган даромадлар, мос равишда, 45,9 млрд. сўмни ва 63,8 млрд. сўмни ташкил этган [5].

Мамлакатимизга кириб келаётган хорижий валюта миқдори ҳам йилдан йилга кўпаймоқда. Чунончи, 1993 йилда 5 млн АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 47,3 млн АҚШ долларини ташкил этди, яъни келиб тушган валюта маблағлари миқдори қарийб 9,5 марта ошди. Битта хорижий туристга тўғри келувчи ўртача даромад 1993 йилда 54,15 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу рақам 191,0 АҚШ долларини ташкил этди [4, 141-142].

Хоразм вилоятида соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2007 йили воҳага ташриф буюрган сайёҳлар сони 61819 нафарга етди. Ушбу кўрсаткич 2006 йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Сайёҳлик ташкилотларининг экспорт хизматлари 1,5 миллион долларга яқинлашди. Кўрсатилган умумий хизмат ҳажми ҳам сезиларли даражада ортди. Ҳозирда 19 та сайёҳлик ташкилоти ва фирмалар фаолият кўрсатмоқда. Сайёҳларга хизмат қиладиган меҳмонхоналар сони 20 тага етди. Бу аввалги йилларга таққосланганда икки баравар кўп демакдир. Мавжуд меҳмонхоналарнинг қўшимча янги бинолари бунёд этилди. Ўтган йили “Исоқжон-Умидабону” ва “Хива-Шаҳризода” хусусий меҳмонхоналари янгидан қурилиб, ишга туширилди. Уларда барча шароитлар яратилган бўлиб, бир кунда минг нафардан зиёд сайёҳга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, сайёҳлик соҳасига чет эллик сармоядорлар ҳам жалб этилаёпти. “Жайхун” сайёҳлик мажмуаси чет эллик инвесторга икки йил давомида 5528,6 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш шарти билан берилган. Айни пайтда, бу ерда янги лойиҳа асосида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мажмуа 2009 йилда ишга туширилади [6].

Тошкент вилоятида ҳам туристик хизматлар тури ва кўлами йилдан йилга ортиб бораёпти. Айни пайтда мазкур йўналишда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони қарийб 100 тага етгани, жумладан, 19 та меҳмонхона, 9 та ихтисослаштирилган дам олиш маскани, 3 та пансионат, 22 та сихатгоҳ, 50 дан ортиқ соғломлаштириш ва дам олиш масканларида 2012 йили мобайнида 20 миллиард сўмликдан зиёд сайёҳлик хизматлари кўрсатилгани шундан далолат беради. Бу ҳақда гап кетганда, вилоят ҳудудидан ўтувчи миллий автомагистраль йўли бўйлаб олиб борилаётган катта ҳажмдаги қурилиш бунёдкорлик ишларини ҳам таъкидлаб ўтиш ўринли. Мазкур автомагистралнинг вилоятимиз ҳудудидан ўтувчи қисмининг умумий узунлиги 253 километрни ташкил этиб, унинг ёқасида 24 та йирик ва замонавий хизмат кўрсатиш объектини бунёд этиш кўзда тутилган. Ҳозиргача 3 та муҳташам меҳмонхона ҳамда битта автомобиллар тўхташ майдончаси мижозларга хизмат кўрсата бошлади. Бу борада “Ўзбектуризм” Миллий компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “Тошкент вилоятида 2012-2015 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш ва туризм хизматлари экспорти салоҳиятини ошириш манзилли чора-тадбирлар Дастури” муҳим ўрин тутмоқда. Унда белгиланган вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан 72,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилиши режалаштирилган. Унинг қарийб 50 миллион АҚШ долларилик қисми тўғридан-тўғри хориж сармояси эканлиги эътиборлидир [7].

Мустақиллик йилларида 2013 йилга қадар Хоразм вилоятида 27 та меҳмонхона ва 9 та сайёҳлик фирмаси фаолияти йўлга қўйилди. Туроператорлик билан шуғулланувчи янги ташкилотлар иш бошлади. Бу эса, табиийки, Хоразмга ташриф буюрувчилар сафи кенгайишига хизмат қилапти. Айтайлик, ўтган йили вилоятга 86 давлатдан 51 минг 400 нафар сайёҳ келдики, бу кўрсаткич 2011 йилдагига нисбатан қарийб 3 мингтага кўпдир. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, 2013 йил 20 мартда имзоланган "2013-2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарор сайёҳлик равнақида янги даврни бошлаб берди. Унга кўра, ҳудудда туризм инфратузилмасини мустаҳкамлаш борасида кўплаб чора-тадбирлар белгиланган. Соҳага 86,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, 24 та меҳмонхонани янгидан қуриш, 4 та меҳмонхонани қайта таъмирлаш, улардаги ўринлар сонини 1550 тадан 2688 тага етказиш шулар жумласидан [8].

Туризмни ривожлантириш, инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги, жозибador сайёҳлик йўналишларини ташкил қилиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада Бухоро вилоятида туристлар оқими йил сайин кўпаймоқда. Масалан, ҳудудда 40 га яқин туристик компаниялар фаолият юритаётган бўлса, 96 та меҳмонхона 2015 йилда улар томонидан 500 минг нафардан ортиқ меҳмонларга хизмат кўрсатилди. 2013-2015 йилларда вилоятда 30 дан зиёд янги меҳмонхоналар очилиши туфайли 5 мингга яқин иш ўринлари яратилди [9].

2014 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистонда тўққиз юздан зиёд сайёҳлик ташкилотлари, жумладан, 430 меҳмонхона, 530 дан ортиқ туристик компаниялар фаолият юритаяпти. Дам олиш масканлари сони йил сайин кўпайиб, уларда хизмат кўрсатиш сифати яхшиланиб бораётгани, янги сайёҳлик йўналишлари таклиф этилаётгани туристлар оқимининг сезиларли даражада ошишига замин яратмоқда. 2013 йилда биргина Сингапурга 30 мингдан ортиқ турист ташриф буюрди [10].

2017 йил ҳолатига кўра, Бухоро вилоятида 114 та меҳмонхона фаолият юритмоқда. Умуман, қарорда шу ва бошқа қатор долзарб вазифалар кўзда тутилган бўлиб, ҳозирги пайтда улар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар мазкур ҳужжатда белгиланганидек, ҳудудда 2017-2021 йиллар мобайнида сайёҳлик хизмати ҳажмини 2,1, шунга мос равишда сайёҳлар сонини 1,9 марта ошириш имконини беради [11].

2018 йилнинг 10 февралидан бошлаб Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Туркия ва Исроилдан келаётган туристларга мамлакатимизда 30 кунгача визасиз бўлишга рухсат берилди. Бундан ташқари, 39 мамлакат фуқароларига виза бериш

тартиби соддалаштирилди. 2018 йил 1 июлдан электрон визалар жорий қилинди. 2017 йилда Ўзбекистонга қарийб 2 миллион 700 минг турист ташриф буюрди. Бу кўрсаткич сифат жиҳатидан таҳлил қилиниб, қариндошларини кўриш, даволаниш, ўқиш ёки тижорат каби мақсадларда келаётганлар кўпчиликини ташкил этди [12].

2018 йилнинг ўзида 9 та давлатнинг фуқаролари учун визасиз кириш тартиби амалиётга татбиқ қилиниб, уларнинг сони ҳозирги кунда 18 тани ташкил этган бўлса, 50 та мамлакат аҳолисига кириш визалари олиш тубдан соддалаштирилди. 101 мамлакат фуқаролари учун эса транзит орқали ўтишда республикада 5 суткагача визасиз бўлиш имконияти яратилди. Самарқанд вилоятида келаётган меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида 2018 йилнинг ўзида 800 ўринга эга 15 та замонавий меҳмонхона қурилиб, фойдаланишга топширилди [13].

Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида хусусий тадбиркорлар томонидан бунёд этилган меҳмонхоналар ўз ишини бошлади. Мингтут маҳалласида иш бошлаган 90 ўринли “Emily Grand Palace” меҳмонхонасининг лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади. 4 қаватдан иборат кўркем бино туризмнинг замонавий барча талабларига жавоб беради. Меҳмонхона очилиши билан 18 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Қўрғонча маҳалласидаги 100 ўринли “Siab” меҳмонхонаси очилиш маросимида ушбу бинони қуриш ва жиҳозлаш учун 3 миллион доллар маблағ сарфлангани ҳақида айтиб ўтилди. Меҳмонхонада 48 хона, йиғилишлар зали, спортзал, сауна, очиқ бассейн, ёпиқ ва ёзги ресторан мавжуд. Бу ерда 20 та янги иш ўрни яратилган. “Bog‘ishamol hotel” масъулияти чекланган жамиятининг 92 ўринли меҳмонхонаси Шаҳриобод маҳалласи ҳудудида жойлашган бўлиб, умумий қиймати 4 миллион АҚШ долларини ташкил этган мазкур меҳмонхона биноси тўрт қаватли, бу ерда 46 та хона, ресторан, спорт зал, бассейн, трансфер хизматлари йўлга қўйилган. Ушбу меҳмонхоналарнинг фаолият бошлаши билан вилоятдаги жойлаштириш воситалари сони 177 тага етди. Учала меҳмонхона ҳам халқаро стандартлар даражасида қурилиб жиҳозлангани, Самарқандда туризм соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади [14].

Тошкентда дунёга машҳур “Marriott” меҳмонхона брендининг илк “Courtyard by Marriott Tashkent” меҳмонхонаси ўз фаолиятини бошлади. Вазирлар Маҳкамасининг 433-сон қарори билан инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома амалга оширилди. Қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланди. Унга кўра, сармоядорлар ва ташкилотлар учун меҳмонхона қуриш ҳамда уни жиҳозлашга сарфлаган харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида Давлат

бюджети ҳисобидан маблағ ажратилган. Бу 3 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарда ҳар бир хона учун - 40 миллион сўм, 4 юлдузли тоифага эга меҳмонхоналарда ҳар бир хона учун 65 миллион сўмни ташкил қилади. Субсидия 2019 йилнинг 5 январидан 2022 йилнинг

1 январига қадар фойдаланишга топширилган меҳмонхоналар учун ажратилади. “Courtyard by Marriott Tashkent” - Marriott International га тегишли меҳмонхоналар бренди бўлиб, унга 1983 йилда асос солинган. Ушбу отеллар ишбилармон сайёҳлар, шунингдек, оилалар жойлашуви учун ўрта нархдаги меҳмонхоналар тоифасига киради. “Marriott International” энг йирик меҳмонхона бренди бўлиб, 50 дан ортиқ мамлакатда унинг 1100 дан зиёд меҳмонхонаси мавжуд. “Courtyard by Marriott Tashkent”да 131 шинам хона, кўп тармоқли 5 конференция зали, 2 та “MEATme Grill&Bar” ресторани, “Уголёк” терассаси ҳамда Европа миллий таомларига эга 2 бар, шунингдек, бассейн ва фитнес клублари хизматлари таклиф этилади [15].

Хулоса қилиб айтганда, меҳмонхоналарнинг иқтисодий салоҳияти йилдан йилга ошиб бормоқда. Глобал миқёсда туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бирига айланмоқда. Бундай жараён меҳмонхоналарга нисбатан талаб ошиб бораётганини, туризм билан биргаликда меҳмонхона хизмати ҳам ривожланаётганини кўрсатади. Ўзбекистонда бир нечта шаклдаги меҳмонхоналар ривожланмоқда. Уларнинг сони ва сифати бўйича ҳам катта ўзгаришлар қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Зеро, меҳмонхона бизнеси тадбиркорликка яратиб берилаётган шарт-шароит туфайли янги босқичига кирмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Халқ сўзи. – 2002. – 20 декабрь. № 276-277 (3104-3105).
2. Ортиқов Ш. Сайёҳлик индустриясининг кенг имкониятлари // Халқ сўзи. – 2013 йил 9 октябрь. № 198 (5872).
3. Лутфиллаев О. Сайёҳлар тинч ва обод манзилларга интилади // Халқ сўзи. – 2015 йил 4 июль. № 131 (6314).
4. Тухлиев И.С. Туризм асослари. – Самарқанд, 2008.
5. www.stat.uz маълумотлари, 2008 йил.
6. Раҳимов О. Бу йўллар Хоразмга олиб боради // Халқ сўзи. – 2008 йил 16 апрель. № 75 (4485).
7. Шералиев Ғ. Туризм: имконият ва истиқбол // Халқ сўзи. – 2013 йил 10 январь. № 6 (5680).
8. Раҳимов О. Сайёҳларни мафтун этган «эртақлар шаҳри» // Халқ сўзи. – 2013 йил 18 апрель. №74 (5748).
9. Улуғмуродов Д. Сайёҳлик соҳасининг кенг имкониятлари // Халқ сўзи. – 2016

йил 6 октябрь. № 197 (6632).

10. Ортиқов Ш. Сайёҳлик индустрияси салоҳияти // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 апрель. № 75 (6005).

11. Иброҳимов И. Мақсад — жаҳон андозалари даражасида сайёҳлик хизмати кўрсатиш // Халқ сўзи. – 2017 йил 8 июнь. № 113 (6807).

12. Туризм мамлакатимиз иқтисодиётининг эртанги куни // Халқ сўзи. – 2018 йил 23 февраль, №37 (6995)

13. Ўзбекистон сайёҳлар эътиборини тортмоқда // Халқ сўзи. – 2018 йил 21 декабрь. № 264 (7222).

14. Ғ.Ҳасанов, А.Исроилов (сурат). Самарқандда янги меҳмонхоналар очилди // https://uza.uz/uz/posts/samarqandda-yangi-mehmonxonalar-ochildi_630976

15. Ўзбекистонда халқаро “Marriott” бренди меҳмонхонаси очилди – “Courtyard by Marriott Tashkent” // <https://old.gov.uz/uz/news/view/29485>